

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**  
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**  
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**  
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**  
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**  
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**  
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**  
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**  
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**  
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**  
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**  
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

<b>13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
--	----

<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99
---	----

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
---	-----

<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114
---	-----

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	119
--	-----

<b>18. USMANOVA Surayo</b> YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI.....	126
---	-----

<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ.....	131
--	-----

<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ.....	135
--	-----

<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ.....	141
--	-----

<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
---	-----

<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
--	-----

<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161
---	-----

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS.....	169
---	-----

<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
---	-----

<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190
---	-----

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**РАХМАНОВ Шухрат Наимович**  
Юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: [shuxratjon@gmail.com](mailto:shuxratjon@gmail.com)

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** Раҳманов Ш.Н. Европа Иттифоқида миграциявий жараёнларни тартибга солишнинг шартномавий-ҳуқуқий масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 119-125.

 2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-17>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Европа Иттифоқида миграциявий жараёнларни тартибга солишнинг шартномавий-ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинган. Европа мамлакатлари миграцион сиёсатининг асосий тамойилларини тавсифлаганда уларга хос умумий жиҳатлар тадқиқ этилган. Амалга оширилган тадқиқот асосида қонунчилик тизими ривожига йўналтирилган қатор тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Европа Иттифоқи, миграция, миграцион фаолиятни тартибга солиш, нолегал миграция, миграцион ҳуқуқ, шартнома, қочоқлар, фуқаролик

**РАХМАНОВ Шухрат Наимович**  
Кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: [shuxratjon@gmail.com](mailto:shuxratjon@gmail.com)

### ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЕВРОПЕЙСКОМ СОЮЗЕ

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются правовые вопросы регулирования миграционных процессов в Европейском Союзе. При рассмотрении основных принципов миграционной политики европейских стран изучаются их общие аспекты. На основе исследования выдвинуты ряд рекомендаций, направленных на развитие законодательной системы.

**Ключевые слова:** ЕС, миграция, регулирование миграционной деятельности, нелегальная миграция, миграционное право, договор, беженцы, гражданство.

RAKHMANOV Shukhrat

Candidate of legal sciences, Associate Professor

E-mail: [shuxratjon@gmail.com](mailto:shuxratjon@gmail.com)**CONTRACTUAL AND LEGAL ISSUES OF REGULATION OF MIGRATION PROCESSES IN THE EUROPEAN UNION****ANNOTATION**

The article analyzes the legal issues of regulation of migration processes in European Union. When describing the basic principles of the migration policy of European countries, their general aspects are studied. On the basis of study, a number of recommendations were put forward aimed at the development of the legislative system.

**Keywords:** EU, migration, regulation of migration activities, illegal migration, migration law, treaty, refugees, citizenship.

Инсониятнинг ҳозирги босқичидаги ривожланишига хос жиҳатлардан бири давлат чегаралари орқали фаол кўчиб юришидир. Миграция жараёнлари давлатларга жиддий иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида миграция натижалари ижобий хусусиятга эга бўлиши ҳамда одамлар ресурсларини қабул қилувчи ва етказиб берувчи мамлакатларнинг прогрессив ривожланишини таъминлаши учун миграция жараёнларини назоратга олишга интилишдир. Миграцион жараёнларни тартибга солишдаги муҳим жиҳат шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашдир, чунки кўпинча қочоқлар одамларнинг энг кам ҳимояланган тоифаси ҳисобланадилар.

Шу боис айрим давлатларнинг миллий қонунчилигида миграцион ҳуқуқ ёки хорижликлар ҳуқуқи алоҳида тармоқ сифатида ажратилган [1], [2], [3, С.3-16], [4, С.26-29].

Т.Я.Хабриева таъкидлаганидек [2, С.33], дунёдаги ҳозирги миграцион вазият ниҳоятда зиддиятли тарзда ва кўпинча иррационал тарзда ривожланмоқда. Глобаллашув шароитида миллий давлатлар нафақат капитал, товарлар, ахборотнинг кўчишини, балки одамларнинг ҳам кўчишини ҳам назорат қила олмаяптилар. Бундай миллий бошқарув инқироzi – ҳозирги жамиятнинг универсал хусусиятидир. Халқаро сиёсатда ҳамкорлик концепцияси умуман устунлик қилаётган шароитда мамлакатларнинг миграция соҳасидаги ўзаро муносабати кўпинча қарама-қаршилик шаклига кирмоқда. Бугун ҳукмронлик қилаётган халқаро миграция моделининг самарасизлиги нолегал миграциянинг кўплигида намоён бўлмоқда. Бу ҳол деярли барча қабул қилувчи мамлакатларга хосдир. Ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва миграцияни давлат ва жамиятга фойда келтирадиган қилишга уриниш – бугун аксарият давлатлар олдида турган вазифалардан биридир.

Европада шаклланган ҳозирги миграцион тизим “марказий” мамлакатлар ўртасидаги чамбарчас иқтисодий, маданий, сиёсий, географик алоқалар билан ажралиб туради. Бу эса уни ягона миграцион тизим сифатида таърифлашга имкон беради.

Миграцион оқимларнинг йўналиши, қочоқларнинг Европа Иттифоқи минтақалари ва мамлакатлари бўйича тақсимланиш зичлиги тарихий аънаналар, мустамлакавий ўтмиш ҳамда қабул қилаётган давлатларнинг иқтисодий фаровонлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Масалан, Испания ва Португалияга йўналган миграцион оқимларнинг асосий қисмини Лотин Америкаси мамлакатларидан бўлган қочоқлар ташкил этади. Буюк Британияга Осиёдан, айниқса унинг собиқ мустамлакаси бўлган Ҳиндистон ва Покистондан кўплаб қочоқлар келади, айни вақтда Францияда Жануби-Шарқий Осиё (Камбоджа, Вьетнам, Лаос), шунингдек Ливан, Туркия ва Африка мамлакатларидан чиққан қочоқлар кўпроқ. Италияга келган қочоқларнинг 20 % Африка қитъасининг вакиллари дир, шунингдек тахминан 20 % Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг вакиллари га тўғри келади [6, С.8]. Умуман олганда, миграция тизимига миграцион оқимларнинг хилма-хиллиги, турли йўналишга эгаллиги, шунингдек янги иммиграция мамлакатларининг пайдо бўлаётганлиги



ва қочоқларни етказиб берувчи янги мамлакатларнинг қўшилаётганлиги, яқиндагина устунлик қилган “Жануб–Шимол” вектори ўрнига “Шарқ–Фарб” йўналишидаги янги миграция векторининг шаклланаётганлиги хосдир [7, С.42].

ЕИ аъзолари орасида энг кўп қочоқларни қабул қилаётган давлат ҳамон Германия бўлиб қолмоқда. Германияда 200 га яқин мамлакат вакили бўлган 15 млндан ортиқ киши яшайди. Бу ушбу мамлакатнинг деярли 1/5 қисмидир. Бу билан Германия аҳоли орасида қочоқларининг улуши бўйича (АҚШдан кейинги) энг юқори ҳиссага эга. 6 ёшдан кичик ҳар 3 нафар боланинг бири қочоқлар оиласига мансуб, Германиянинг баъзи бир йирик шаҳарларида 2010 йилда 40 ёшдан кичик аҳолининг ярмидан ортиғи қочоқлар бўлган [8], ундан кейин Буюк Британия, Испания, Италия, Франция, Швейцария келади. ЕИ аъзолари бўлган бошқа мамлакатларга қочоқлар келиши (иммиграцияси) анча паст даражада. Бироқ, агар Фарбий Европанинг муайян мамлакатиде хорижликлар ва ўз фуқароларининг нисбатига қарайдиган бўлсак, биринчи ўринни Люксембург эгаллайди (37,4 % хорижликлар), сўнгра Швейцария 22,9 % келади, Германия эса учинчи ўринни эгаллайди (12,3 %). Бу ерда, шубҳасиз, аҳоли сони ва давлат ҳудуди муҳим. Умуман олганда, иммиграцион оқимларнинг тўртта асосий “адресатига” кириб келаётган иммиграцион ресурслар ҳажмининг 3/4 қисми тўғри келади [9]. Европа Иттифоқининг қочоқлар учун жозибадорлиги хорижий фуқаролар сонининг доимий кўпайиб бораётганлиги сабабидир. Бу эса кўпинча маҳаллий аҳоли орасида норозилик келтириб чиқармоқда. Аммо бу муаммога аҳоли табиий ўсишининг суръатлари анча пасайганлиги ва аҳоли қаришининг чуқурлашиб бораётганлиги нуқтаи назаридан қараш зарур.

Сўнги 50 йил ичида Европа фуқароларининг ҳаёт давомийлиги кескин (10 ёшга) ошди ва бундан кейин ҳам ўсишда давом этади. ЕИдаги ўртача пенсия ёши эса 60–65 ёш. Муаммо яқин вақтлар ичида иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёга келган кўплаб авлодлар пенсия ёшига кириш туфайли янада чигаллашмоқда. Чунки бу давлатнинг ижтимоий тизими учун оғир юк бўлиб тушиши мумкин. ЕИ аъзолари бўлган мамлакатлар ижтимоий таъминот тизими 1950–1960 йилларда шаклланган. У вақтларда ёрдам олувчилар анча кам бўлган, шу боис ўша вақтда назарда тутилган имтиёзлар ЕИ ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳукуматлар бюджетини шакллантираётганида навбатдаги муаммони келтириб чиқармоқда.

Айни вақтда ушбу салбий эффе́ктлар билан бирга худди шундай муҳим ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Ёш европаликлар ҳозирги вақтда биринчи марта касбий муваффақият ва ижтимоий фаровонликка ҳаракат қилиб, оила тузишни номаълум келажакка кечиктиряптилар. Никоҳлар сони камаймоқда, аёллар эса карьера мақсадида оилага борган сари камроқ эътибор беряптилар. Ёшларнинг институтда таълим олиш муддати ошмоқда; масалан, ҳозирги вақтда 27–30 ёшдаги талабалар кўпчиликни ташкил қилади.

Бироқ тадқиқотчилар агар Европа аҳолисининг умумий сонини ёки меҳнат қобилиятига эга ёшдаги аҳоли сонини сақлаб қолишни истаса, демографик ўсишни мустақил равишда таъминлашига тўғри келишини кўпроқ таъкидлаб келмоқдалар. Бу шу билан боғлиқки, акс ҳолда туғилиш даражаси ҳозирги ҳолда қоладиган бўлса, яъни оддий такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминламаса, демографик назариянинг исботлашига кўра, аҳолининг доимий сонини сақлаб қолиш учун зарур бўлган миграция вақти келиб туб аҳолининг ўрнини қочоқлар тўлиқ эгаллашига олиб келиши билан боғлиқ [10, С.23].

Айнан шу боис миграцион сиёсат яхши ўйланган, давлатнинг муҳим эҳтиёжларини ҳам, бундай тартибга солишнинг имкониятдаги оқибатларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Европа мамлакатлари миграцион сиёсатининг асосий тамойилларини тавсифлаганда уларга хос қуйидаги умумий жиҳатларни ажратиш мумкин.

Европа мамлакатлари қонунчилигида ЕИ фуқароларининг ва учинчи мамлакатлар фуқароларининг мақоми ажратилади: Европа Иттифоқи ичида чегаралар очиб юборилган бир вазиятда ривожланаётган мамлакатлардан келувчи фуқаролар қочоқлиги йўлида тўсиқлар қўйилмоқда. Шундай қилиб, Европа Иттифоқидаги миграция жараёнларини тартибга солишдаги энг сезиларли тамойил учинчи мамлакатлардан келаётган қочоқларни қабул қилишга танлаб ёндашилаётганлигидир. Сўнги вақтларда учинчи мамлакатлардан келаётган ҳамда Европа Иттифоқига иш топиш мақсадида киришни истовчи қочоқлар учун

қўйилаётган талаблар кучайиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Европа Иттифоқига кирмайдиган Швейцария мисолида юксак касбий малакага эга бўлган қочоқларга алоҳида эътибор берилмоқда. Швейцарияда бундай ёндашув 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган Хорижликлар тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган [11]. У ерда, хорижликлар меҳнат фаолиятини амалга оширишининг умумий шартлари, жумладан давлат ҳудудидида қонуний яшаш, турар жойи мавжуд бўлиши, тилни билиши, миллий меҳнат ресурсларидан кўпроқ фойдаланиш принципига риоя этилиши каби умумий шартлар билан бир қаторда, Европа Иттифоқига кирмайдиган мамлакатлар фуқаролари бўлган хорижликларга оид талаблар ҳам мавжуд (23-модда): уларнинг меҳнат фаолияти фақат юқори малакали мутахассис бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Учинчи мамлакатлар фуқароларининг юқори малакали фаолиятини амалга ошириши мақсадида кириши ва яшаши шароитлари ёритилган ЕИ кенгашининг директиваси деб аталувчи худди шунга ўхшаш қоидаларга эга ҳужжат 2009/50/ЕС [12] Европа Иттифоқи томонидан 2009 йил 25 май куни қабул қилинган. Бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳақидаги таклифни Европа Комиссиясининг президенти М. Баррозу 2007 йил 23 октябрда Адлия, эркинлик ва хавфсизлик ишлари бўйича комиссар Ф. Фраттини билан бирга берган матбуот конференциясида билдирган эди. Баррозу ўз таклифини ЕИда малакали ишчи кадрлар етишмаётганлиги, учинчи дунё деб аталувчи мамлакатлар вакиллари бўлган шахслар учун ЕИ мамлакатлари ўртасида ҳаракатланишнинг қийинлиги, ЕИ мамлакатларининг қочоқларнинг кириши соҳасидаги қонунлари ўртасида зиддиятлар борлиги ҳамда ЕИ фуқаролари билан легал (қонуний) иммигрантларнинг ҳуқуқларида фарқлар борлиги муаммоси билан изоҳлаган эди [13].

Мазкур директива қабул қилинишининг асосий натижаси “Европа Иттифоқи байроғининг ранги бўйича (АҚШда қўлланиладиган “яшил карта”га ўхшаш) “кўк карта” тушунчасининг киритилиши бўлди. Директива қабул қилинишидан кўзланган мақсад юқори малакали ходимларни жалб этишдир.

Аслида “кўк карта” – учинчи мамлакатлар вакиллари бўлган турли соҳа мутахассислари учун қўшимча имтиёз берувчи ишлаш учун рухсатномадир. “Кўк карта” олиш учун аризачи Европа Иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатда ишлаш ҳақидаги меҳнат шартномаси ёки таклифномани тақдим этиши лозим (унда иш ҳақи даражаси ва бўшаш учун аниқ шартлар кўрсатилиш шарт), шунингдек шахсини тасдиқловчи амалдаги ҳужжати, тиббий суғурта ва муносиб таълим даражаси (малакаси)ни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши лозим. Мажбурий шартлардан бири аризачига нисбатан жиноий таъқиб йўқлигидир. ЕИ мамлакатлари фуқароларининг “кўк карта” олиш ҳақидаги илтимосномаларини кўриб чиқадиغان давлатларнинг рўйхатини алоҳида келтириши мумкин.

“Кўк карта” олган шахс қуйидаги имтиёзларга эга: Европа Иттифоқига кириш ва у ердан чиқиш, унинг ҳудудидида эркин ҳаракатланиш, ЕИ фуқаролари бир хил ҳуқуқларни амалга ошириш. Бундан ташқари бундай ходимга мамлакатда 18 ой мобайнида қонуний бўлганидан сўнг оиласини олиб келиш ва иш жойи (мамлакати)ни ўзгартириш, кейинчалик эса ҳатто доимий яшовчи шахс мақомини олишга даъво қилиш имкони берилади. “Кўк карта”нинг ўзи 1 йилдан 4 йилгача муддат мобайнида амал қилади ва бу муддат узайтирилиши мумкин.

Директивада Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳужжат расман эълон қилинган кунидан бошлаб икки йил ичида директиванинг қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига киритишлари кераклиги кўрсатилган. Шундай қилиб, 2011 йил июнь ойидан бошлаб ЕИ иштирокчилари бўлган барча давлатлар манфаатдор шахсларга “кўк карталар” беришлари мумкин.

Юқори малакага эга бўлмаган меҳнат қочоқларига нисбатан Европа мамлакатларида қаттиқроқ тартиблар амал қилади. Масалан, Швейцариянинг Хорижликлар тўғрисидаги қонунига мувофиқ, меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижликларни қабул қилиш Швейцария иқтисодиётининг манфаатларига хизмат қилиши лозим, шунингдек мамлакатнинг илмий ва маданий эҳтиёжлари ҳам лозим даражада инobatга олинади. Бир қатор мамлакатлар (Австрия, Италия, Португалия, Швейцария)да хорижий иш кучи учун квота белгиланган. Меҳнат миграцияси ҳақида махсус битимлар имзоланган давлатлар билан



алоҳида миграцион схемалар амал қилиши мумкин. Жумладан, Испанияда 2002 йилдан бошлаб Доминикан Республикаси, Колумбия, Марокаш, Нигерия, Польша, Руминия, Эквадор билан тузилган икки томонлама битимлар доирасида қочоқларнинг келиб чиқиш давлатида хориждан иш кучи ёлланади [14, С.28].

Миграцион сиёсатга хос жиҳатни меҳнат бозорида миллий преференцияларнинг жорий этилиши ташкил қилади. Ҳозирги вақтда хорижий фуқаро ушбу мамлакат, ЕИ аъзоси бўлган бошқа давлатлар ёки Европа иқтисодий зонасига кирувчи давлатлар даъво қилмаган тақдирдагина Фарбий Европа мамлакатларида иш жойи олиши мумкин [15, С.52].

Европа мамлакатларининг иш кучига бўлган объектив эҳтиёжини ва қочоқлар оқимини назорат қилишга интилишини эътиборга олиб, ҳозирги вақтда “циркуляр миграция” концепциясини амалга ошириш – миграция учун вақтинчалик рухсат жорий этиш масаласи устида баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Циркуляр миграция ҳақидаги таклиф билан 2006 йил 26 октябрда биринчи марта Германия ички ишлар вазири В. Шойбле ўша вақтдаги ҳамкасби Н. Саркози билан бирга чиққан эдилар. Мазкур концепцияга мувофиқ ривожланган мамлакатлардан келган хорижлик ходимлар Европа Иттифоқи мамлакатларига уч йилдан беш йилгача муддатга кейинчалик қайтиб кетиш шарти билан кириш ҳуқуқини олишлари мумкин. Бунда мазкур ходимларда оиласини олиб келиш имкони бўлмайди. Шундай қилиб, бундай ишчиларнинг интеграцияси ва кейинчалик уларга ижтимоий тўловлар бериш зарурати ҳақидаги масала ўз-ўзидан ҳал бўлади, Европа Иттифоқи эса иш кучига бўлган эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлади. Бироқ ушбу концепциянинг камчиликлари ҳам бор. Масалан, тадқиқотчилар [16], Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 8-моддасида назарда тутилган шахсий ва оилавий ҳаётни ҳурмат қилишга бўлган қочоқларнинг ҳуқуқларига риоя этилишида қийинчиликлар келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайдилар [17]. Бундан ташқари, камчиликлар сифатида маҳаллий мутахассисларнинг таълим олиши ва малакасини оширишида тежаш мумкинлиги таъкидланади.

Миграцион сиёсатнинг муҳим хусусиятини Европа Иттифоқи ҳудудида доимий равишда ёки узоқ вақт яшаётган хорижий фуқароларни интеграция қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ташкил этади. Фарбий Европа давлатлари қочоқлар интеграция жараёнида уларни қабул қилган жамият қадриятлари ва нормаларини ўзлаштиришлари ҳамда тил ўрганишларига алоҳида эътибор берадилар.

Масалан, Германия Федератив Республикасида 2007 йил 12 июль куни Интеграция бўйича миллий режа қабул қилинган. Унда Тарафларнинг 400 та тадбири ва мажбурияти келтирилган. Улардан 150 таси Федерация томонидан ва 250 таси ноҳукумат ташкилотлари, жумладан 50 та қочоқлар бирлашмаси томонидан назарда тутилган. Фаолиятнинг асосий соҳаларига тилни ўрганишда кўмаклашиш ҳамда таълим, ўқиш ва ишга жойлашиш соҳасида имкониятларнинг кенглиги киради [18]. Федерал ҳукуматнинг интеграция бўйича миллий режа доирасидаги энг муҳим тадбирлардан биринчиси интеграцион курсларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан яхшиланишидир. Қочоқлар интеграцион курслар ҳақидаги батафсил ахборотни Қочоқлик ва қочқинлар масалалари бўйича федерал идоранинг интеграцион портали сайтида олишлари мумкин [19]. Интеграцион курс икки қисмдан иборат: тил тайёрлови ва ориентировка курси. Тил курсида кундалик ҳаётнинг муҳим мавзулари, масалан, соғлиқ, харид, уй-жой, иш мавзулари муҳокама қилинади. Ориентировка курсида Германия ҳуқуқий тизими, тарихи ва маданияти, мамлакатдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, яшаш жойининг хусусиятлари, немислар жамияти учун муҳим бўлган қадриятлар, жумладан эътиқод эркинлиги, бағрикенглик, тенг ҳуқуқлилиқ муҳокама қилинади. Интеграция курсига қатнаш немисча гапирмайдиган ёки жуда ёмон гапирадиган ёки ишсизлик бўйича нафақа оладиган шахслар учун мажбурийдир. Бунда агар қочоқнинг Мамлакатда бўлиш тўғрисидаги қонуннинг 38-а параграфига мувофиқ Германияда бўлиши учун рухсатномаси бўлса ва у ЕИга аъзо бошқа мамлакатлар ҳудудидаги интеграцион тадбирларда иштирок этган бўлса, фақат тил курсига боришининг ўзи мажбурий бўлади. Интеграция курсининг мақсади Германияда доимий турар жой расмийлаштириш учун белгиланган талабларидан бири бўлган якуний тестни муваффақиятли топширишидир.

Нидерландияда 2007 йил январь ойдан кучга кирган Хорижликларни фуқароликка интеграциялаш тўғрисидаги қонунда уларнинг интеграцион имтиҳонлар топширишлари мажбурий эканлиги назарда тутилган. Имтиҳонни муайян муддатда топширмаганлар 250 евродан 1000 еврогача миқдорда маъмурий жарима тўлайдилар. Бу жаримани шахснинг турар жойидаги муниципал органлар ундирадилар ёки ижтимоий тўловлар миқдори камайтирилади. Шунингдек бу нарса мамлакатда узоқ муддатли асосда яшаши учун рухсатнома олишга тўсқинлик қилади [20, Б.26]. Австрияда бундай тартиб миллий ҳаракат режасида белгиланган бўлиб, унга кўра Австрияга оиласи билан қўшилиш мақсадида келишни истаган қочоқлар аввал тил бўйича тест топширишлари керак [21].

Шундай қилиб, интеграцион дастурлар, аслида, белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шахсларнинг мамлакатга кириши ёки бундан кейин бўлишини чеклашга имкон берадиган ички миграцион назорат воситасига айланмоқда.

Қабул қилаётган давлатнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаш учун мигрантларни интеграция қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жамият лоял кайфиятдаги хорижликларни қабул қилишга тайёр. Аммо нолегал тарзда юрган қочоқлар, ижтимоий таъминотга даъво қилаётган ва уларни қабул қилган жамият қадриятларига қўшилмайдиган ёки энг камида ҳурмат қилмайдиган нолегал мигрантларга нисбатан бағрикенгликни талаб қилиш мантиқсиз. Европа мамлакатларида қочоқларнинг бўлишининг салбий оқибатлари ҳақида эслатувчи ҳар қандай мисол кенг ижтимоий резонанс ва янги баҳслар келтириб чиқаради. Масалан, Германияда бундесбанк бошқарувининг аъзоси, ижтимоий демократик партиядаги нуфузли шахс бўлган Тило Сарратин 2010 йил 13 сентябрда Берлинда ўзининг “Германия – ўзини йўқ қилиш” (.....) [22] китобини тақдим этган. Китобда муаллиф Германиянинг либерал ҳокимиятлари узоқ йиллар мобайнида юритаётган демографик, ижтимоий, миграцион ва таълим сиёсатининг ҳалокатли эканлиги ҳақидаги кўп бора айтган ғояларини статистик маълумотлар билан бирга келтиради ва аниқлаштиради. Умумий хулоса қуйидагича: мавжуд жараёнлар динамикаси сақланиб қоладиган бўлса, ГФР аҳолиси нафақат минимумгача камаяди, балки сифат жиҳатдан ҳам ёмонлашади, айни вақтда Францияда Еврокомиссия қоралашига қарамай нолегал лўлиларни мамлакатдан чиқариб юбориш жараёни давом этмоқда. Бунда “Штерн” журнали ўтказган сўровга кўра, немисларнинг 46 % Сарратиннинг “ўз ватанида бегона” бўлиб қолиш хавфига қўшиладилар, французларнинг 70 % эса Саркози ҳукуматининг Франциядан нолегал лўлиларни чиқариб юбориш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлаганлар [23].

Шундай қилиб, Европа давлатлари олдида зарур иш кучини жалб қилишни ижтимоий барқарорликни сақлаб қолган ҳолда уйғунлаштиришдек мураккаб вазифа турибди.

Юқоридагиларга хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, халқаро миграциянинг умумжаҳон тенденциялари бўлмиш нолегал ва мажбурий миграциянинг ўсиши, халқаро миграциянинг демографик аҳамияти ошиши сингари тамойиллар фонида Фарбий Европа мамлакатлари юқори малакали мутахассисларни рағбатлантириш, шунингдек келган шахсларни шаклланган жамиятга интеграциялаш ишларини амалга ошириб, ўзларининг халқаро қонунчиликда мустаҳкамланган қочоқларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш борасидаги манфаатларни ҳимоя қилиб миграция оқимларининг сифати хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Welte, Hans-Peter. Auslanderrecht. Notnos Verlagsgesellschaft. – Baden-Baden. 2005.
2. Чехович С.Б. Міграційне право України: підруч. – К.: Школа, 2003.
3. Хабриева Т.Я. Миграционное право как структурное образование российского права // Журнал российского права. – М., 2007. – № 11. – С. 3-16;
4. Брик А.Д. Проблемы становления и развития миграционного права // Научные труды. Российская академия юридических наук. Вып. 8: В 3 т. Том 2. – М.: Издательская группа «Юрист», 2008. – С. 26-29;
5. Хабриева Т.Я. Правовая политика государства в сфере миграции населения // Миграционное право. – М., 2006. – № 1. – С. 33.

6. Другая жизнь и берег дальний // Европа. – М., 2005. – № 8(53). – С. 8.
7. Трыканова С.А. Миграционное право и политика в Европе в контексте глобализации // Миграционное право. – М., 2007. – № 4. – С. 42.
8. Европа Иттифоқи маълумотлари бўйича // <http://www.coe.int>
9. World Population Policies 2010. United Nations, Department of Economic and Social Affairs, March 2011 // <http://books.google.com>.
10. Коулман Д. Европа на перекрестке дорог: должны ли население Европы и ее рабочая сила зависеть от новой иммиграции? // Международная миграция: Каир + 10: Сб. статей / Гл. ред. В.А. Ионцев. – М.: МАКС Пресс, 2004. – С. 23.
11. Bundesgesetz uber die Auslanderinnen und Auslander, Sweiz. 2005 // <http://www.bfm.admin.ch>.
12. Council Directive 2009/50/EC of 25 May 2009 on the conditions of entry and residence of third-country nationals for the purposes of highly qualified employment // OJL 155. – 2009. – 18 June.
13. Attractive conditions for the admission and residence of highly qualified immigrants. MEMO/07/423. Brussels, 23 October 2007 // AWRBulletin. – Brussels, 2007. – № 7. – S. 315-317.
14. Васильева Т.А. Нужны полезные и удобные: основные приоритеты миграционной политики стран западной демократии // Политический журнал. – М., 2008. – № 11. – С. 28.
15. Васильева Т.А. Миграционная политика, гражданство и статус иностранцев в странах западной демократии. – М.: Институт права и публичной политики, 2010. – С. 52
16. Greciano Ph. Auslanderrecht in Europa: neue Entwicklungen // MRM – MenschenRechtMagazin. – Berlin, 2008. – Heft 1. – S. 70.
17. Бюллетень международных договоров. – М., 2001. – № 3.
18. Бемер М. Национальный план интеграции – вклад Германии в формирование европейской политики интеграции // [http://www.coe.int/t/dg4/youth/Source/Resources/Forum21/Issue\\_No10/N10\\_National\\_integration\\_plan\\_ru.pdf](http://www.coe.int/t/dg4/youth/Source/Resources/Forum21/Issue_No10/N10_National_integration_plan_ru.pdf)
19. Bundesamt fur Migration und Fluchtlinge // <http://www.integration-in-deutschland.de>.
20. Васильева Т.А. Иммиграционное законодательство и миграционная политика Нидерландов // История государства и права. – М., 2009. – № 21. – С. 26.
21. Pop V. Austria eyes language tests for migrants // <http://euobserver.com/?aid=29165>.
22. Sarratcin T. Deutschland schafft sich ab. – Berlin, 2010
23. Варкентин А. Как один Саррацин всю Германию “самоликвидировал” // <http://www.dw-world.de/dw/article/0,,5962517,00.html>.